



АНГЛОСАКСОН ТУРҒУН БИРИКМАЛАРИ ҲАҚИДА

Сафаров Шахриёр,

СамДЧТИ профессори, филология фанлари доктори

Калим сўзлар: *англосаксон даври, ёзма ёдгорлик, турғун бирикма, синонимия, рақобат.*

Турғун сўз бирикмалари дунёдаги барча тиллар тизимида учрайдиган ҳодисадир. Аммо, ушбу турдаги бирикмаларнинг шаклланиши ва даврлар мобайнида тараққий қилишига оид муаммолар тарихий тилшунослик, шу жумладан, диахроник фразеологиянинг кам ўрганилган соҳасидир. Ҳолбуки, фразеологик бирикмалар структур–семантик, функционал –семантик ва бошқа жиҳатлардан ҳаракатчанлик хусусиятига эга бўлиб, уларнинг ботиний ва зохирий қатламлари доимий равишда ўзгариб, ривожланиб боради. Бундан, албатта, инглиз тили ҳам истисно эмас.

Бирваракайига айтиш лозимки, турғун сўз бирикмаларининг инглиз тили тарихий ривожланиш даврларидаги қисмати тадқиқотчилар эътиборига тушган (масалан, қаранг: Дьякова, Сафаров 1981; Путин 1974; Vaugh 1959). Жумладан, А.А.Путин ўз пайтида қадимги инглиз тилида учрайдиган турғун бирикмаларни ўн та гуруҳга ажратиб ўрганишни таклиф қилган эди (Путин 1974). Бироқ, мазкур гуруҳларнинг кейинги ривожланиш босқичи бир хил эмас ва уларнинг баъзилари ҳозиргача сақланмаган. Қуйида шундай гуруҳдаги бирикмаларнинг қўлланишдан чиқиши ва луғат таркибида сақланмаганлигини қисман бўлса-да, изоҳлашга ҳаракат қиламиз.

Қадимги инглиз тилидаги турғун сўз бирикмаларининг катта қисми оддий сўзлар билан синонимик муносабатда бўлган ҳолда нутқда фаоллашган. Масалан, “худо”, “жаннат”, “ўлим” тушунчаларини атовчи синонимик қаторларни ўнлаб бирикмалар ташкил қилишган бўлса, “қуёш”, “сулҳ тузмоқ”,

“жанг”, “денгиз”, “ғалаба қилмоқ”, “эргашмоқ”, “оқ” каби тушунчалар номланишида иштирок этувчи синоним бирликларнинг сони тўрттадан саккизтагача етиб борган.

Бир сўзли ва турғунлашган бирикмаларнинг синонимиясига оид масалаларни махсус таҳлил қилишган олимларнинг таъкидича, “бир хил маъно ифодасига қадар фразеологик синонимлар у ёки бу тилнинг фразеологик захирасида юзлаб йиллар давомида бошқа луғавий бирликлар билан ҳамкорликда бўлади ва баъзан йўқолиб кетиш ўрнига, аксинча, миқдор жиҳатидан ўсиб боради” (Чернышева 1988).

Ҳар ҳолда, қадимги инглиз тилида амал қилган турғун бирикмаларнинг бир қисми маълум сабабларга кўра йўқолганини кузатамиз. Фразеологик характерга эга бўлган бирикмаларнинг кейинги даврларда сақланмаганлигининг сабабларидан бири улар таркибидаги лексемаларнинг архаизм мақомини олишидир. Жумладан, англосаксон ўзагига эга бўлган feore (feorh) – “хаёт” сўзининг архаизмга айланиши қадимги даврда эвфемизм сифатида қўлланган қатор сўз бирикмаларининг кейинчалик йўқолишига сабаб туғдирди. Қадимги инглиз тилида feorh agiefan, feorh sellan, feorh losian, feor alecgan бирикмалари метафорик кўчим асосида “ўлиш, хаётда кўз юмиш” тушунчасини англлатган. Кейинги даврларда фразеологик кўрсаткич йўқолиб, ушбу бирикмаларнинг фақат феъл қисми сақланган.

Худди шунингдек, маданиятлар, тиллараро алоқалар ҳам луғат таркибидаги ўзгаришларга сабаб туғдирганидан



хабардормиз. “Инглиз тили тарихи” китобининг муаллифи А.Бо қадимги даврда амалда бўлган *dryhten*, *anwalda*, *dema*, *frea* каби луғавий бирликларнинг роман тилларидан ўзлаштирилган сўзлар билан “кураши” ҳақида қуйидагиларни ёзган эди: “In such cases one of two things happened: of two words one was eventually lost or where both survived they were differentiated in meaning. In some cases the French word disappeared, but in a great many cases it was the old English word that died out... *dryhten* and *frea* were displaced by the French *prince*, although the English word *lord*, which survived as a synonym, helped in the elimination. The OE *dema* (judge) gave way before French influence in the matters of law” (Vaugh 1935).

Узоқ давом этган рақобат натижасида баъзи туб англосаксон синонимлари ҳам бир-бирини сиқиб чиқаришгани маълум. Бу, айниқса, *bearn* ва *cild* отларининг ривожидан аниқ кўзга ташланади. “Ёш бола билан бирга бўлиш” ёки “ёш бола бўлиб қолиш” маъносидаги *beon mid bearne* (*mid cilde*), *wesan midbearne* (*mid cilde*), *weorthan mid bearne* (*mid cilde*), *gan mid bearne* (*mid cilde*) кўринишидаги бирикмалар таркибида учрайдиган ушбу сўзлар умумий бир маънони (“ёш бола”) англатиш билан бир қаторда, стилистик жиҳатдан ҳам бетараф бўлган.

Эслатилаётган синонимлардан *cild* гот тилидаги *rilthei* сўзига мос келиб (Skeat 1996), қадимги инглиз тилида ёзилган ёдгорликларда *bearn* сўзига нисбатан кейинроқ қўлланила бошланган. Тадқиқотчиларнинг кузатишича, *mid cilde* “бола билан” бирикмаси X аср охирида битилган қўлёзмаларда учраса, *mid bearne* эса VIII асрдаёқ қўлланишда бўлган (Brook 1958). Мазкур фикрнинг тасдиғини *bearn* сўзининг этимологиясида ҳам кўриш мумкин. Қадимги инглиз ёзма ёдгорликларида мавжуд бўлган *bearn* сўзи турли герман тилларида кенг қўлланишда бўлган *beran* “туғмоқ, олиб келмоқ” феъли ўзагидан ривожланган, ушбу феълнинг иккинчи шаклидан ясалган *bearn* оти IX асрдаёқ амалиётга кирган. Жумладан,

“Беовульф” асарининг саҳифаларида *bearn* сўзи 40 мартадан ортиқроқ учрайди. Унинг синоними бўлган *cild* эса бирор марта ҳам қўлланилмайди. Бундай ҳолатнинг сабаби, Ҳ. Бэкиннинг таъбирича, *cild* сўзининг ўша пайтда ифодаланган маъноси билан боғлиқ: “Поэзияда нисбатан фақат оила доирасида муносабат билдирилиши билан боғлиқ, шунинг учун *bearn* бу маънони ифодаловчи бирликка айланган” (Bask 1934).

Аммо, инглиз тилининг кейинги тараққиёти даврида *cild bearn* бирлигини қўлланишдан сиқиб чиқарган. Бунинг сабаби қуйидагилар билан боғлиқ бўлса, ажаб эмас. Эҳтимол, *cild* сўзининг пайдо бўлиши пайтида унинг қўлланиш доираси синоним *bearn* унсуриникига қараганда анча тор бўлган бўлса керак. Кейинчалик эса *cild*нинг фаоллашув имконияти кенгайиб борган ва оқибатда *bearn* сўзининг роли кучсизланиб, ўз аҳамиятини йўқотиб борган. Маълум даврдан сўнг умумқўлланишдаги бирликка айланган. Ҳозирги пайтда ушбу сўз энг кенг қўлланиладиган 500 та сўз қаторидан мустаҳкам ўрин олган. Ўз навбатида, *bearn* бирлиги миллий тил луғат захирасидан чиқиб кетиб, фақат айрим шеваларда сақланган. У. Торндайк ва И. Лоржлар тузишган луғатда *bearn* бирлиги миллион сўз қўлланишида фақат бир марта учраши, *chill* сўзининг эса юзлаб, минглаб контекстларда учраши эслатилган (Thorndike, Lodge 1974).

Bearn сўзининг кенг қўлланишдан сиқиб чиқарилиши қадимги инглиз тилини сўнгги йилларидаёқ кузатилади. Бинобарин, Қирол Эльфрик ёзишмаларида *bearn* 124 марта учраса, *cild* сўзи эса 204 марта қўлланган (Bask 1935). Ҳозирги пайтда *baiga* шаклини олган *bearn* шотланд элементи сифатида қаралади (БАРС 1972: 124).

Турғун бирикмалар таркибидаги луғавий бирликлар маъносида юзага келадиган ўзгаришлар ҳам ушбу бирикмаларнинг синонимлар қаторидан ва ҳатто умуман тил тизимидан чиқиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Жумладан, қадимги инглиз тилидаги *giefan*



“бермоқ” феъли sellan феъли маъно структурасида бир пайтлар мавжуд бўлган “бермоқ” маъносини тамоман сиқиб чиқариши натижасида sellan кейинчалик фақат “пул эвазига бермоқ, яъни сотмоқ” мазмунини ифодалаб бошлайди. Маълум бир маънонинг йўқотилиши ва маъно торайиши ҳодисаси сўзнинг лексик куршовига, синтагматик имкониятларига таъсир кўрсатиши табиий ҳол. Янги маъно хусусиятига эга бўлган sellan қадимги кўлланишда бўлган sellan bysne бирикмасини ҳосил қилиш имкониятидан маҳрум бўлди ва юқоридаги бирикмада феъл бўлаги ўрнини туб инглиз лексемаси giefan эгаллади. М.П. Сементюк қайд этганидек, sellan феъли “сотмоқ” маъносини олганидан сўнг, giefan сўзининг кўлланиш миқдори кескин ошди (Сементюк 1971: 41).

Қадимги инглиз даврида фаол кўлланишда бўлган баъзи турғун сўз бирикмалари, уларнинг компонентлари ҳозиргача тил тизимида мавжуд бўлишига қарамасдан, нутқий фаоллик даражасини йўқотган. Масалан, ҳозирги инглиз тилида word ва work сўзлари кенг кўламда кўлланиши барчага равшан, бироқ, қадимги инглиз тилида маълум бўлган wordum ond daedus (in word and deed) ва wordum ond weorcum (in words and work) турғун бирикмаларидан ҳозирги кунда фақат биринчиси (in word and deed) амалий кўлланишда.

Шу қаторга genotes baeth (gannet’s bath), fises baeth (the bath of fish); Godes condelle (the candle of God); beascen Godes (the beacon of god) каби бирикмалар киради. Ушбу ва бошқа турдаги қадимги инглиз сўз бирикмалари асосан метафорик кўчимлар натижасида шаклланган. Метафора, маълумки, вақт ўтиши билан ўз бўёқдорлигини йўқотиши, сийқалланиши мумкин. Бу, ўз навбатида, сўз бирикмасининг кўлланишидан тушиб қолиши ёки бошқа ёрқинроқ метафорик бирикма билан алмаштирилишига шароит яратади.

Айрим англосаксон турғун бирикмалари ҳозирги инглиз тилида фаол кўлланилма-да, лекин, бошқа қариндош

тилларда ўз фаоллигини сақлаб қолган. Масалан, немис тилида қадимги инглиз тилидаги on hand gangan “таслим бўлмоқ, яъни кўлига топширмоқ” мазмунида ва to gefeoht cumin “жангга киришмоқ” мазмунида сақланиб келмоқда.

Бундан ташқари, баъзи турғун тузилмалар бирикмалик хусусиятини йўқотиб, яхлит луғавий бирликка айланган. Масалан: on an anon; for soth forsoth; mid ealle withal; daeges eagy daisy; ealne weg always.

Қадимги инглиз тилидаги ealne wey бирикмасидан always равишининг ҳосил бўлишини Г.Брук қуйидагича изоҳлайди: Қаратқич келишиги шаклини ясовчи суффикс ҳозирги инглиз тилидаги needs ва once равишларида сақланган, айни пайтда ушбу суффикс қадимги даврда бу шаклга эга бўлмаган айрим сўзларга ҳам кўшилган. Масалан, always (қад.инг.ealne weg, ealneg), nowadays (қад.инг. nu on daege) (Brook 1958: 122). Мазкур бириклар тизимда сақланган бўлсалар-да, лекин, ўз синтактик структурасини ўзгартирган ҳолда турғун бирикмалар билан алоқасини узган.

Хуллас, англосаксон давридаги бирикмаларнинг маълум қисми, уларнинг турғунлик даражаси юқори бўлишига, компонентлари ўртасидаги семантик алоқа ва муносабатлар мустаҳкам эканлигига қарамасдан, даврлар кечиши жараёнида аста-секин кўлланишдан чиқиб кетган. Бунинг сабабларидан бири маълум бир компонентнинг нутқий фаоллиги пасайишидир. Шунингдек, сўз бирикмаси таркибидаги бириклар маъно ўзгаришларига учраши ҳам бунга сабаб бўлган. Лекин, баъзан турғун бирикма ўз коммуникатив вазифасидан холос бўлган тақдирда ҳам унинг таркибий қисмлари алоҳида луғавий бириклар сифатида тил тизимида сақланиб қолиши мумкин. Айрим турғун бирикмалар кейинги тараққиёт даврида яхлит луғавий бирикларга айланганлар.

Ўйлаймизки, турғун бирикларнинг диахроник ривожига ва уларнинг ҳар бир босқичда кечирадиган “қисмати”нинг батафсил тадқиқи тил тизимига хос қатор



муаммоли ҳолатларнинг ечимини топишга
имкон беради. Бу, айниқса, тарихий
тараққиёти бир текис кечмаган, турли

ташқи ва ички омиллар таъсирини бошдан
кечирган тилларга тааллуқлидир.

Адабиётлар:

1. American Idioms Dictionary. Illinois, 1991.
2. Back H. The synonyms for “child, “” Boy”, “Girl” in old English. – Lund, 1934.
3. Baugh A.A. History of the English Language. – New York, 1985.
4. Skeat W. An Etymological Dictionary of the English Language. – Oxford, 1986.
5. Дьякова Н.А., Сафаров Ш. Устойчивые сочетания в «Англосаксонской хронике» // Иностранные языки в педвузах Узбекистана. – Т., 1981.
6. Путин А.А. Об устойчивых сочетаниях слов в древнеанглийском языке. – Пермь, 1974.
7. Семенюк М.П. О валентности глагола to give в древнеанглийском языке // Лингвистика и методика преподавания иностранных языков. – Свердловск, 1971.
8. Смирницкий А.И. Хрестоматия по истории английского языка. – М.: Учнедгиз, 1953.
9. Феоктистова Н.В. Формирование семантической структуры отвлеченного имени. – Л.: Изд-во ЛГУ, 1984.

Сафаров Ш. Об англосаксонских устойчивых сочетаниях. В статье рассматриваются структурные особенности древнеанглийских устойчивых словесных комплексов. Выясняются причины их исчезновения в современном английском языке.

Safarov Sh. About Old English set phrases. The article gives an information about the structural peculiarities of the old English phrase logical units. It describes the cases of loosing old forms in Modern English.